O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
DENOV TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА ДЕНАУСКОГО РАЙОНА

190500, Denov tumani, Sh.Rashidov ko'chasi 238-uy, tel.: 0 (376) 413-13-33, fax: 0 (376) 413-12-42

2019 yil "28" сентябр 4330 - sonli

Туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида

"Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 27-моддаси ҳамда Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган худудлар (микрохудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган худудлар (микрохудуд) руйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман халқ таълими бўлими (Э.Абороров) ҳамда тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш ҳамда ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилсин.

3. Тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиниши учун масъул ҳисобланиши белгилаб куйилсин.

4. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (З.Арипов)га маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

«ДБ» МЧЖ. б. 19 т. 300. 2019 йил

5. Мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Каримов зиммасига юклатилган.

Туман ҳокими **Б.Ибатов**

Қарор лойиҳасини тайёрлади:

А.Ғаниев

И.Каримов

Б.Исмоилов